



UZBEKISTON
RESPUBLICASI
MILLIY JAMHURIYATI
INV. NO

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
1 май
ШАНБА
№ 34
(12.254)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ШУКРОНАЛИК

Мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни олдидан турли тадбирлар, самимий учрашув ва мулоқотлар бўлиб ўтмоқда. Уларда бугунги дориламон кунлар, тинч-осуда ҳаёт қадри ҳақида кўп ибратли гаплар айтилмоқда. Бу неъматнинг баҳосини, айниқса, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, кекса фахрийларимиз кўпроқ ҳис этишадди. Шунинг учун ҳам шукроналик тилидан тушмай, ҳаётга ташналик тарк этмай келади уларни.

Азим Тошкентнинг энг гўзал, табаррук гўшасига айланган Мустақиллик майдонига ташриф буюрган вилоятимиз кексалари – уруш ва меҳнат фахрийлари жанг майдонларида қолиб кетган дўст-ёрлари, бу кунларга етолмаган ватандошларини ёд этиш, хотирлаш учун Мотамсаро она ҳайкали қошига тўпландилар. Истиқлолимиз рамзи, Бахтиёр она ҳайкали пойига гуллар қўйиб, юртимизга тинчлик-омонлик, халқимизга фаровонлик тилдилар.

– Мен Михаил Жали-

ловман, – дейди ўрта-чирчиқлик 93 ёшли отахон. – Уруш даҳшатини биз кўрдик, илоҳим фарзандларимиз кўрмасин. Ўзи исмим Мўмин эди. Михаил – жангда ҳалок бўлган кўролдош дўстимнинг исми. Унинг ҳалок бўлганини ота-онасига етказиш менга жуда оғир бўлган. Эҳ, ўшанда уларнинг аламли фарёди, изтироби вужудимни тилкалаб юборган. Шу-шу, Михаил дўстимнинг исмидаман.

(Давоми 2-бетда).



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубонасининг Ёшлар ахборот-ресурс марказида "Хотира – мангу, қадр – муқаддас" мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

Ўзбекистон миллий кутубонаси директори Абдусалом Умаров Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ёши улуг ҳамюртларимизга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Нуронийларимизнинг ибратли ҳаёти, фидокорона ва ҳалол меҳнати ёшлар маънавиятини юксалтириш, баркамол шахсни вояга етказишда муҳим ўрин тутди.

Икки авлод учрашуви тарзида ташкил этилган тадбирда Ватанимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, кўз қорачиқидек асраб-авайлаш, бугунги ёруғ кунларнинг қадрига етиш барчанинг бурчи экани таъкидланди. Уруш ва меҳнат фахрийларига соғалар топширилди.

ЎЗА.

УЧ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМА

Баркамол авлод йили муносабати билан Қўйичирчиқ туман ҳокимлиги, баналикка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, прокуратура, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Унда туман газ ва электр тармоқлари, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва тиббиёт бирлашмаси, фермер хўжаликлари ҳамда "Дайшн мега текст" корхонаси, туман пахта тозалаш заводи ва бошқа ташкилотлар бўш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркада иштирок этган 130 кишидан 78 нафари ёшлар бўлиб, иш сўраб мурожаат қил-

ган 70 киши бўш иш ўринлари ҳамда жойлаштирилди, 60 нафар қатнашчига керакли маслаҳатлар берилди.

Шунингдек, агросаноат, агроиктисодиёт, қурилиш, уй-жой ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежларининг 112 нафар битирувчиси билан корхона ва ташкилотлар ўртасида уч томонлама шартномалар тузилди.

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЁШЛАР

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Юнусобод машинасозлик касб-хунар коллежи, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида Баркамол авлод йилига бағишлаб "Таълим тараққиёти ва баркамол авлод тарбияси" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, касб-хунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши вакиллари, ҳамкор ташкилотлар ва журналистлар иштирок этишди. Семинарда ёш авлод тарбияси

бугунги куннинг умуммиллий масаласи эканлиги, бу ишда кенг жамоатчилик иштирок этиши зарурлиги қайд этилди. Фарзандларимизни мустақил ва соғлом фикрлайдиган қомил инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси эканлиги таъкидланди. Нигора БОБОКУЛОВА.

ИЗЛАНУВЧАН ИЖОДКОРЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасидаги "Олтин қалам" V Миллий мукофоти учун халқаро танлов ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, юртимизда оммавий ахборот воситаларини рағбатланиш, соҳа ходимларининг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш борасида кенг қўллаб-қувватлаш зарур. Бу йўналишдаги ишларда журналистларни янада фаолликка, изланишга даъват этиш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, уларнинг меҳ-

натини қадрлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш муҳим ўрин тутди.

Юртимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган фидойи ва ташаббускор ижодкорларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш, янги марралар сари даъват этишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Йиғилишда "Олтин қалам" V Миллий мукофоти учун халқаро танлов

ғойибларини тантанали тақдирлаш маросимини ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар режаси тасдиқланди. Жорий йилда йигирма етти номинация бўйича ўтказилувчи ушбу танловда 450 нафардан ортиқ журналист олти минг етти юзга яқин ижодий иш билан иштирок этмоқда. Қатнашчиларнинг аксарияти Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган журналистлардир.

Журналистика соҳасидаги "Олтин қалам" V Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғойибларини тантанали тақдирлаш маросими жорий йилнинг 14 май кuni "Туркистон" саройида бўлиб ўтди.

Назкат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛанади

Оққўрғон туманида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ўсмир ва қизлар тарбиясига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда тарбия аввало оиладан бошланиши, бунинг учун, айниқса, оналар масъулияти алоҳида эканлиги таъкидланди.

Нафақат жисмонан, балки маънан соғлом фарзандлар камоли ҳар томонлама етув, маданиятли ота-оналарга кўп жиҳатдан боғлиқ. Тумандаги 39-умумтаълим мактаби ҳамда транспорт-сервис касб-хунар коллежи ўқувчи қизлари ва оналар билан ўтказилган мулоқотларда қизларнинг тиббий маданияти, руҳий олами,

қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳ, қайнона-келин муносабатлари ҳақида сўз борди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

СУРАТДА: ўқувчилар билан дилдан суҳбат. Даврон АХМАД олган сурат.



МАЪНАВИЯТ – ЮКСАКЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Вилоят маънавият ва маърифат марказида "Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг таниқли театр ва кино актёрлари, хонанда ва санъаткорлар иштирок этишди.

2010 йил "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида вилоятимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳукукбузарлик, диний оқимлар, миссионерлик ҳаракатларига қўшилиб кетиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш мақ-

садида туман ва шаҳарларда маънавий-маърифий учрашувлар ўтказилди. Мазкур тадбир шуларнинг мантйқий давоми бўлди. Йиғилишда вилоятимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида, буюк аждодларига муносиб ворислар этиб тарбиялашдаги са-

марали хизматлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз вилоят Маънавият ва маърифат кенгашининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. Қувонарлиси шундаки, улар сафида энг яхши тарғиботчи сифатида "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари таҳририяти ҳам бор.

СУРАТДА: тадбир доирасида вилоятимиздаги ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг ижодий кўргазмаси ҳам намоиш этилди.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ДАВРА СУҲБАТИ

ҚОНУН ТАКОМИЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

2011 йилда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳисобот-сайловлари бўлиб ўтди. Кўп йиллик тажриба сайловларга она қонунчиликни янги давр шароитларига мослаштириш, юзага келаётган баъзи масалаларни ҳал этиш учун амалдаги қонунларга тегишли ўзгаришлар киритиш зарурлигини кўрсатди.

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг молиявий мустақиллиги, сайлов жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари билан боғлиқ масалаларда қонун ижодкорлига тегишли тақлифлар бериш давр талабига айланмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ҳудудий семинарлар ўтказишни бошлади. "Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови: муаммолар, ташкилий жиҳатлар, кадрлар салоҳияти" мавзусидаги шундай семинарларнинг биринчиси Чирчиқ шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Юқоричирчиқ, Паркент, Бўстонлиқ, Қўрай туманларидан сайланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқа-

риш органлари раислари, маҳалла маслаҳатчилари ва фаоллари иштирок этишди.

Интерфаол усулда ташкил этилган ушбу машғулотда иштирокчилар Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунини янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикрларини билдиришди. Тўрт гуруҳга бўлиниб, айрим масалалар устида мунозара олиб борган иштирокчилар тўпланган тақлифларни умумлаштириб, қонунга ўзгаришлар киритиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишди. Тақлиф ва тавсияларнинг қонунни такомиллаштиришга хизмат қилиши эса фуқаролар йиғинлари ижтимоий-сиёсий фаолиятини янада яхшилаш учун ҳуқуқий асослар кенгайишини таъминлайди.

Саид АСКАРОВ.

МОДУЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОММАЛАШМОҚДА

Вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси директорлар кенгаши қошидаги ижтимоий фан, бизнес ва ҳуқуқ усулбий кенгаш ташаббуси билан Қўрай туманидаги молия-иқтисодиёт коллежида ўқитувчининг замонавий модулли технологияларини жорий этиш орқали касбий салоҳиятини ошириш мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Вилоятдаги 56 та коллеждан тегишли фан ўқитувчилари тақлиф этилган семинардан мақсад – молия фани ўқитувчиларини қийнаётган масалаларни ўрганиб, ечим топиш ва бу фанни ривожлантириш

юзасидан янги тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Семинар қатнашчилари бу каби тадбирларни бошқа коллежларда ҳам ўтказиш ҳақида келишиб олишди.

Мухлиса МУҲИТДИНОВА.

ТИЛ – ДИЛЛАРГА КЎПРИҚДИР

Ўзбекистон Байнаҳмилал маданият марказида Баркамол авлод йилига бағишланган ўзбек тилида нотўқил санъати танлови бўлиб ўтди.

Унда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида таҳсил олаётган корейс миллатига мансуб талабалар беллашди.

Очилиш маросимида сўзга чиққанлар икки давлат ўртасидаги ўзаро иштибоқли ҳамкорлик алоқаларига тўхталиб, икки миллат маданиятининг ўхшаш ва яқин томонлари ҳақида гапиришди.

Ўзбекистон-Корея ўртасидаги ривожланиш учун алмашиш ассоциацияси, Сеул шаҳар ҳокимияти, "Соғлом авлод учун" фонди каби қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган тадбир беш йилдан буюн анъанавий ўтказиб келинаётди. Беллашув ўзбек тилида ўтди ва унда университетнинг тўққиз нафар корейс миллатига мансуб талабалари иштирок этди. Биринчи ва иккинчи ўринни қўлга киритган талабалар Кореяда бир ҳафта саёҳат қилиб келиш имкониятига эга бўлди.

Бу галги беллашувда аввалгиларидан фарқи ўларок, биринчи ва иккинчи ўрин соҳиблари ҳамда уларга ўзбек тилини ўргатган ўқитувчи ҳам Кореяга бир ҳафталик саёҳат учун йўллана берилди.

"Туркистон-пресс".



9 МАЙ – ХОТИРА ВА КАДРЛАШ КУНИ

Мана шу Мотамсаро она ҳайкали қошига ҳар келганда унинг онаси кўз олдимга келаверади. Урушдан кейин ўқитувчи бўлиб ишладим. Яратганга шукр, муқтаиллик шарофати насиб этди. Ўғил-қизларим, невараларимнинг келажигидан хотиржамман. Ўзбекистондек қудратли Ватани бор уларнинг, илоҳим ёмон кўздан асрасин...

– Дахшатли уруш хотиралари мана 65 йилдирки, ҳаёлимдан кетмайди, – дейди янгийуллик 90 ёшли Сайфиддин ота Шамсиев. – Юртимга фақат 1947 йилдагина қайтиш насиб этди. Шукрим, ўз Ватанимда, тинч-омон яшаб юрибман. Айниқса, муқтаилликдан кейинги ўзгаришлар мени лол қолдиради...

– Нимасини айтасиз, –



ШУКРОНАЛИК

суҳбатни давом эттирди Карим ота Аҳмедов. – Биз фахрийларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан ҳаяжонланиб кетаман. Юртбошимизнинг Иккинчи жаҳон урушида эришилган Ғалабанинг 65 йиллиги муносабати билан уруш фахрийларини медал ва пул мукофоти билан тақдирлаш ҳақидаги фармонини ўқиб, кўзимга ёш келди. Ахир бу ўғил-қиз, неварачеваралар олдидаги ҳурмат-обруйини яна бир бор кўтарди, улар фидойиллик ҳақида кадрларни тугамайдигандек. Ёмғирдан кейинги зар-



(Давоми. Боши 1-бетда).

рин кўёш нурларида товланаётган ям-яшил майса, дов-даракт, анвойи гуллару покиза йўлаклар бахри-дилини очиб юборган меҳмонлар энди бир пиёла чой

устида суҳбатлашиш учун махсус автоуловларга жойлаштирилди. Уларни кузатар экан, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси ўринбосари Мирғиёс Мир-

заахмедов шундай деди:

– Ҳозирги кунда вилоятимизда 1123 уруш қатнашчиси бор. Бугунги тадбирда 100 дан ортиқ фахрийлар иштирок этди. Бундай мулоқотлар ҳали давом этади. Президент фармонида асосан уруш қатнашчилари ва ногиронларини юбилей медаллари ва пул мукофоти билан тақдирлашдан ташқари, барча ҳудудлардаги ҳомийлар томонидан ҳам байрам совғалари уюштиришни режалаштирганмиз.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТАЛАР: Истиқлол-лимиз рамзи, Эзгулик монументи – Бахтиёр онага таъзим; Хотира китоби ёнида.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ОГОҲЛИК

ЁЛҒОН ВАЪДАЛАРГА
АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ

Ҳар йили дунё бўйича 2 миллион 700 минг киши одам савдоси қурбонига айланмоқда. Инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилиши оқсидан жиноятчилар йилга 7 миллиард АҚШ доллари миқдорда даромад қилишапти. Бу маълумотлар Ўртаҷирчиқ туманидаги вилоят маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтган йилги йилда келтирилди.

"Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги миллий қонунчилигида мувофиқ чораларни амалга оширишда давлат, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигининг ўрни" мавзусидаги мазкур тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилди. Унда шаҳар, туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, қўмита фаоллари, "Маҳалла" жамғармаси, божхона, ички ишлар идоралари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, республика реабилитация маркази, тегишли бошқармалар ҳамда жамоат ташкилотлари масъул ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок эттишти.

Тадбирда таъкидланишича, чет элларга ишлаш мақсадида чиқиб кетаётганлар орасида хотин-қизлар 23 фоизга яқинлашиб қолган. Уларнинг ўртача ёши 30 атрофида. Улар асосан Қозоғистон, Россия, Украина, Индонезия, Туркия, Бирлашган Араб Амирликларига алдов йўли билан чиқариб юборилмоқда. Шу йилнинг биринчи чорағида

мамлакатимиздан хорижга 154 минг 690 нафар киши ишлагани кетган. Шундан 20 минг 906 нафари хотин-қизлар.

Одам савдоси транс-миллий муаммо сифатида катта ташвишларни келтирмоқда, – деди вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Сайёра Фаизиева. – Натижада қанчадан-қанча хотин-қизларимиз одам савдосининг қурбонига айланаётгани, гулддек қизларимиз шаъни, номуси топталётгани ачинарлидир. Мана шундай вазиятда ҳеч биримизнинг қўл қовуштириб ўтиришга ҳақимиз йўқ. Айниқса, давлат, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида ишлашса, қўзланган натижаларга эришишимиз мумкин.

Тадбир сўнггида вилоят педагогика коллежи ўқувчиларининг одам савдосига қарши курашиш мавзуси акс этган саҳнавий кўриниши намойиш этилди. Савол-жавоблар, фикр ва мулоҳазалар, тақлифлар семинарининг қизиқарли ўтишини таъминлади.

Хушда ТУРСУНБЕКОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

АТРОФ-МУҲИТ ВА САЛОМАТЛИК

Пойтахтимиздаги Санитария, гигиена ва касб касаликларини илмий-тадқиқот институтида аҳоли соғлиғини сақлашнинг гигиеник муаммолари ва уларнинг ечимига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда соҳа олимлари, мутахассислар, шифокорлар ва жойлардаги санитария-эпидемиология на-

зорати марказлари ходимлари иштирок этди. Анжуманда иқлим ўзгаришининг инсон саломат-

лигига таъсири, юқумли касалликларга қарши олиб борилаётган профилактика тадбирлари, санитария назоратининг бугунги ҳолати ва истиқболлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Ў.А.



МАҚСАД БИР, МАВЗУЛАР ХИЛМА ХИЛ

Кейинги пайтлар вилоятимиз шаҳар ва туманларида чоп этилаётган газеталарнинг мазмун-мундарижаси тобора бойиб, нашр сифати юксалиб бораётти. Бу бежиз эмас. Одатда бундай нашрларга ҳаётга яқин, жамият турмушининг энг ҳолис кўзгуси, деф-тариф беришади. Бутун бу газеталарнинг бир қўр қўздан кечтирган муштарий бу таърифнинг нечоғлиқ ўрини экинга амин бўлиши аниқ.

Маҳаллий нашрларнинг ҳаёт билан ҳамнафас одимлаши, матбаачиликнинг илгор технологиялари асосида

чоп этилиши, энг муҳими, маънавий-мафкуравий савиясининг юксалиб боришида вилоят, туман ва шаҳар

ижтимоий-сиёсий газеталари муҳаррирларининг ҳар ойлик анъанавий ўқув-семинарларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Бундай анжуманнинг навбатдагиси Олмалик шаҳрида ташкил этилди.

Муҳаррирлар дастлаб Олмалик кон-металлургия комбинати муассислигида чоп этилаётган «За цветные

металлы» ва «ОТМК ҳаёти» газеталари таҳририяти эришаётган ютуқлар, галдаги режалар билан яқиндан таништи. Тадбирнинг ўзaro таъриба алмашиш қисмида муҳаррирлар ўзларини қизиқтираётган масалалар, ютуқлар билан бирга мавзуд муаммолар бора-сида фикр алмашдилар. Асосий эътибор газеталарнинг мазмун-мундарижасини янада бойитиш, нашр сифати ва ададини кўтариш каби долзарб масалаларга қаратилди.

Семинарнинг яна бир эсда қоларли жиҳати, вилоят, туман ва шаҳар газеталари муҳаррирлари учун республикамизнинг энг саноатчилик корхоналаридан бўлган Олмалик кон-металлургия комбинатига махсус

саёҳат уюштирилгани бўлди. Муҳаррирлар комбинатнинг завод ва цехларида бўлиб, улкан жамоа фаолиятига юқори баҳо бердилар.

СУРАТЛА: журналистлар ижодий мулоқот чоғида.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.



МУҲИМ ТАКЛИФЛАР ЎРТАГА ТАШЛАНДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент туман кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Унда Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда партиянинг туман кенгаши раиси А. Абзалов қонун чиқарувчи орган томонидан тайёрланаётган қонунлар лойиҳасини қабул қилишда ма-

ҳаллий кенгаш депутатларининг ҳам тақлифларини инобатга олиш ташаббуси билан чиқди. ЎзЛиДеП аъзоси бўлган туман кенгаши депутатлари "Вояга

етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасининг бир қатор моддаларига ўзгартириш киритишни тақлиф қилдилар. Шунингдек, таълим муассасалари, хусусан касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда тахсил олаётган ёлғиз она тарбиясидаги вояга етма-

ганлар учун имтиёزلарни кўзда тутиш масаласи қўзғатилди. Шу билан бирга, вояга етмаганлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг аниқ статистика маълумотлар базасини ташкил этиш орқали улар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг асосий омилларини аниқлаш имкони юзга келиши таъкидланди.

Н. ШОРАХИМОВА.

ҚАРОР ВА ИЖРО

КИМЁ КОМПЛЕКСИ
РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда кимё тармоғини ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор ҳамда бой хомашё захиралари, юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги маҳаллий кимё комплексини юқори суръатларда янгилаш асосида унинг имкониятларини кенгайтириш учун шарт-шароит яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган "2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарори айтиш мақсадаги йўналишлар.

Кимё саноатида амалга оширилаётган кенг миқёсли инвестиция лойиҳалари минерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган корхоналарнинг реконструкция қилиш ва модернизациялаш, янги қувватлар яратиш, хорижий ҳамкорлар билан қўшма корхоналар ташкил этиш, экспорт-импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш каби масалаларни қамраб олади.

Кимё комплексидagi икки йирик корхона – "Максам-Чирчик" ва "Фаргонаазот" очик акциядорлик жамиятларида амалга оширилган кўп тонали аммиак агрегатларини реконструкция қилиш ишлари юксак самара бермоқда. Минерал ўғитлар орасида таянч маҳсулот бўлган аммиак ишлаб чиқаришни кўпайтириш – маҳаллий кимё тармоғининг янги марраларини забт этишда муҳим омил бўлиб қизиб келди.

Азот ва фосфор ўғитлари ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида янги бозорлар ўзлаштирилмоқда.

Тармоқда 2010 йилнинг биринчи чорағида ҳам ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. "Ўзкимёсаноат" давлат-акциядорлик компаниясининг маълумотларига қўра, ўтган вақт мобайнида соҳа корхоналари томонидан 265,9 минг тонна (прогнозга нисбатан 101,4 фоиз) минерал ўғитлар ишлаб чиқарилган. Кимё маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми прогнозга нисбатан 103,4 фоизни ташкил қилди. Бу эса Марказий Осиёдаги энг йирик кимё комплекслари имкониятлари кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Жорий йилда қурилиш ишлари якунланиши кўзда тутилган Деҳқонobod қалий ўғитлари заводи ишга тушиши билан маҳаллий кимё саноати ички ва ташқи бозорда хариддоригр бўлган ўғитлар комплексини ишлаб чиқариш учун зарур барча турдаги хом ашёга эга бўлади. Улар азот, фосфор ва қалий сингари учта муҳим тўйинтирувчи элементни ўз ичига олади. Мазкур ўғитларнинг юқори агрохимийвий самарадорлиги уларнинг афзал жиҳатидир.

Мамлакатимиз кимё комплексининг тез суръатларда ривожланиб бориши натижа-сида Ўзбекистон саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг барқарор кўрсаткичлари сақлаб келинмоқда. Тармоқ корхоналарида асосий ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш

даражаси ортиб, иш ҳақи миқдори ўсиб бормоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 11 мартда қабул қилинган "Кимё саноати корхона-лари қурилишини жадаллаштириш ва янги турдаги кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича чора-тадбирлар Дастури

МУНОСАБАТ

ТЎҒРИ ЙЎЛ
МАНЗИЛГА ЕТКАЗАДИ

Бугун юртимизнинг ҳалқаро майдондаги ўрни тобора мустақамлашиб бормоқда. Кўплаб мамлакатларнинг етакчи фирмалари ва компаниялари юртимизга сармоя киритиш юзасидан қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар ва обрўли ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга оширяпти.

Юртбошимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф эттиришнинг йўллари ва чоралари" асарини катта қизиқиш билан ўқиб чиқар эканман, давлатимиз раҳбарининг узқони кўра олиш қобилиятидан яна бир бор ҳайратга тушдим. Асар бугуннинг энг долзарб мавзусини кенг ва батафсил акс эттирган билан аҳимиятга эга. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг сийсатдан устуворлиги, давлатнинг бош ишхотчи экани, кучли иқтисодий-сийсат олиб борилаётгани, ишхотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани нақадар тўғри йўл экани иқтисодий инкирози шароитида яна бир бор исботланапти.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган машҳур беш тамойилга асосланган, жаҳонда ривожланишнинг "Ўзбек модели" деб эътифод этилган ишхотларнинг изчил ва босқичма-босқич амалга оширилиши, инкирозга қарши пухта уйланган чораларнинг ўз вақтида қабул қилинган тўғри йўл билан мамлакатимизда макроеқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий ўсиш таъминланди. Дунё мамлакатларининг асарияти жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг салбий оқибатларини бошидан кечираётган шароитда, яъни беш мамлакатларда ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш тарзи кескин пасайиб кетган бир вақтда Ўзбекистонда ишхотларнинг дастлабки кунлирдан аналга оширилиб келинаётган стратегия нечоғли узқони кўзлаб, чуқур ва пухта ишлангани аққол намён бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўз вақтида қабул қилинган ва изчиллик билан амалга оширилаётган Инкирозга қарши чоралар дастури мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожлантириш имконини берибди.

Фархад ХУДОЙБЕРДИЕВ,
вилоят давлат педагогика институти талабаси.

"Республика Қўчас мулк биржаси" ЎАЖ бошланғич баҳоси олиб бориш тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига тақдир этди!

Аукцион савдосига тақдоран Қўбрат тумани СИБ томонидан Қўбрат тумани, "Ариш-Салом" УЎАЖ савдосига "КА-МАЗ-4310" русумли, д/р 1103604 бўлган 1991 йилда ичк. автотранспорт воситаси қўйилмоқда (ижро ҳужжати 08.08.09й, №9537/77). Бошланғич баҳоси - 18 267 298,20 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 18 май кўни соат 11:00 да бўлиб ўтди.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилиги бўлимининг вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кўн қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилганда закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банк"нинг Сағбон ф-лагги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Тузатиш: "Тошкент ҳақиқати" таъсиснинг 17.04.2010 йилдаги 30-сонлида чоп этилган хабарномада, Қўбрат тумани СИБ томонидан қўйилган, 19-каттаб бўлган 1991 йилда ичк. автотранспорт воситасининг д/р 30К6321 деб ўқилсин. Маълум: Тошкент ш. С. Раҳимов т.т. М. Ураббоев қўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

ООО "ASIA FARM MEDICAL" РЕАЛИЗУЕТ
ПОМЕЩЕНИЯ АПТЕК, РАСПОЛОЖЕННЫЕ
В ГОРОДЕ ТАШКЕНТЕ:

1. Помещение Катаргал-7, д. 10, Чиланзарский район
2. Помещение м-в Гулобод, д. 54, кв. 38. Шайхонтохурский район.
3. Помещение м-в ТТЗ, д. 40, кв. 39. М. Улугбекский район
4. Помещение м-в Чиланзар, 12-2-3.
5. Помещение по ул. Б. И. Йўли д. 105, кв. 3.
6. Помещение по ул. Кадырова 45, Мирабадский район
7. Помещение по ул. Кушбеги, д. 3 кв. 31. Яксарайский район
8. Помещение по ул. Носира 44, Яксарайский район
9. Помещение по ул. Темира, д. 106, кв. 4. Юнусабадский район
10. Помещение по ул. Уйгура 487-А. Учтепинский район
11. Помещение по ул. Фархадская, д. 3 кв. 21. Чиланзарский район
12. Помещение по ул. Чупон-ота д. 2-Б, кв. 1. Чиланзарский район
13. Помещение по ул. Янги Сергели 1. Сергелийский район
14. Помещение по ул. Бурхонова 24. М. Улугбекский район
15. Квартира по ул. Х. Абдуллаева, д. 126, кв. 36.
16. Квартира по ул. Х. Абдуллаева, д. 126, кв. 37.
17. Квартира Юнусабди м.к-рн ТашТЭРС, д. 21, кв. 1
18. Помещение м-в Карамисов 2/4, д. 13, кв. 2. С. Рахимовский район
19. Помещение по ул. Лисунова, д. 41, кв. 83. Хамзинский район
20. Помещение по ул. Аккурган, д. 8, кв. 25. М. Улугбекский район

Телефон: 120-00-33.

"FAVORIT-SERVICE" хусусий корхонасига тегишли № АТ № 0032248 сонли ОИ 463 АА давлат рақами "Нексиа" русумли автомобиль учун 29.12.2010 йилга берилган лицензия картончалари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 319-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Художовна Азиза Абдуқалил қизи номига берилган У № 4047142 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйичирик туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Нурматов Алишер Умаралиевич номига берилган ОАШ-Н № 0921468 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 319-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Художовна Азиза Абдуқалил қизи номига берилган У № 4047142 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйичирик туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Нурматов Алишер Умаралиевич номига берилган ОАШ-Н № 0921468 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 319-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Художовна Азиза Абдуқалил қизи номига берилган У № 4047142 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйичирик туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Нурматов Алишер Умаралиевич номига берилган ОАШ-Н № 0921468 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 319-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Художовна Азиза Абдуқалил қизи номига берилган У № 4047142 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйичирик туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Нурматов Алишер Умаралиевич номига берилган ОАШ-Н № 0921468 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 319-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Художовна Азиза Абдуқалил қизи номига берилган У № 4047142 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйичирик туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Нурматов Алишер Умаралиевич номига берилган ОАШ-Н № 0921468 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 319-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Художовна Азиза Абдуқалил қизи номига берилган У № 4047142 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйичирик туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Нурматов Алишер Умаралиевич номига берилган ОАШ-Н № 0921468 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 319-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Художовна Азиза Абдуқалил қизи номига берилган У № 4047142 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйичирик туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Нурматов Алишер Умаралиевич номига берилган ОАШ-Н № 0921468 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 319-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Художовна Азиза Абдуқалил қизи номига берилган У № 4047142 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйичирик туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Нурматов Алишер Умаралиевич номига берилган ОАШ-Н № 0921468 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 319-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Художовна Азиза Абдуқалил қизи номига берилган У № 4047142 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйичирик туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Нурматов Алишер Умаралиевич номига берилган ОАШ-Н № 0921468 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 319-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Художовна Азиза Абдуқалил қизи номига берилган У № 4047142 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйичирик туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Нурматов Алишер Умаралиевич номига берилган ОАШ-Н № 0921468 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 319-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Художовна Азиза Абдуқалил қизи номига берилган У № 4047142 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйичирик туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Нурматов Алишер Умаралиевич номига берилган ОАШ-Н № 0921468 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 319-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Художовна Азиза Абдуқалил қизи номига берилган У № 4047142 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйичирик туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Нурматов Алишер Умаралиевич номига берилган ОАШ-Н № 0921468 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 319-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Художовна Азиза Абдуқалил қизи номига берилган У № 4047142 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйичирик туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Нурматов Алишер Умаралиевич номига берилган ОАШ-Н № 0921468 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 319-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Художовна Азиза Абдуқалил қизи номига берилган У № 4047142 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйичирик туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Нурматов Алишер Умаралиевич номига берилган ОАШ-Н № 0921468 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 319-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Художовна Азиза Абдуқалил қизи номига берилган У № 4047142 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйичирик туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Нурматов Алишер Умаралиевич номига берилган ОАШ-Н № 0921468 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 319-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Художовна Азиза Абдуқалил қизи номига берилган У № 4047142 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйичирик туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Нурматов Алишер Умаралиевич номига берилган ОАШ-Н № 0921468 рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастри давлат унитар корхонаси томонидан 02.10.2000 йилда Хамза тумани, Алиев қўчаси, 84-уй мағзилида жойлашган "NODIRA" маҳалласи учун берилган № 7708259243 реестр рақами ер қадстр ҳужжатлари йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Тасмадек текис йўлда елдек учиб бораётган автомашинанинг орқа ўриндигига жойлашиб олган Малика борлиққа тикилганча ҳаёл сурарди. Йўл четида гўдагини барига босганча, эркалатиб бораётган аёлни кўриб: "Наҳот менга шундай бахт насиб этмаган бўлса? Ахир шифокорлар озгина бўлса-да, умид бор, дейишди-ку", дея пичирлади.

— Синглим, нега хомушсиз, бирор ерингиз оғриятми? — деди Маликани зимдан кузатиб бораётган нотаниш аёл.

— Йўқ, ўзим, шундай... — дея қаловланди Малика. — Тўғриси, сизни машинага чиққандан бери кузатаман. Менимча, қандайдир дард азоблаётми. Синглим, ҳали йўл узок. Шу аҳолида сиқилаверсангиз толикасиз, ёрилсангиз энгил тортасиз.

Малика нотаниш аёлнинг зийрак нигоҳи, ним табассумини кўриб, дардини тўкишни маъқул кўрди:

— Мен асли тоғли қишлоқ қизиман. Тақдир тақозиси билан бу ерларга келин бўлиб тушганман. Тўғри, ҳаётимдан олнимайман. Турмуш ўртоғим ёмон одам эмас. Бироқ сўнгги пайтларда у кишининг кайфияти тушкун. Бойси, турмуш қўрганимизга беш йилдан ошибди-ки, фарзандимиз йўқ. Тўғриси,

бормаган дўхтиру табиим қолмади. Самара йўқ. Айнқиса, бир ёшгина шифокордан эшитган гапларим ҳалигача қулоқларим остида жаранглайди. У бизни текшириб бўлган: "Опа, тўғриси айтсам, эрингизнинг соғлиги жойида. Бироқ сизники... Бу билан сиз фарзанд кўро-

Талабалик пайтларимда хонадод қизларнинг кийинишлари ҳавасим келарди. Калта юбка, очик-сочик кофта... Шу-шу кишининг изгиринли кўнлари дейсизми, кузнинг рутубатли ҳавосини, энгил-елпи кийинишни одат қилдим. Узун кўйлак, иссиқ либосдаги қизларни кўрсам,

ЁШЛИК БЕБОШЛИК ЭМАС

майсиз, демокчи эмасман. Фақат шароитингиз кўтарса, шаҳарга бориб узок даволанишингизга тўғри келади. Шунда фарзанд кўришингизга умид туғилади", деди.

Дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди. Шароитимиз ўзимга маълум. Эрим оддий ишчи, тоғгани рўзгордан ортмайди. Ўзимни ҳам ота-онам ҳамшираликка қийинчиликлар билан ўқитишганди. Бироқ мен уларнинг ишончини оқлолмаганман.

Ўзига ярашадиган кийим кийишса, бўлмайди-ми, деб энсам қотарди. Ўқитиш ҳам ўлда-жўлда эди. Ойда бир-икки қишлоққа борганимда ўша эски, назаримда алмисоқдан қолган кийимларини кийардим. Чунки, ота-онам очик-сочик кийиниб юрганни билишса, мени кечиршмасди. Онам менга ҳар борганимда: "Қизим, бизнинг юзимишни ерга қаратиб қўймагин. Сени қандай қийинчиликлар билан ўқитаётганимизни била-

сан", дердилар. Ўшанда бу менга оддий бир гапдай туюлганди.

Шу алфозда ўқишни ҳам тугатдим. Нимагадир қишлоққа қайтгим келмади. Бу орада эрим билан танишиб, турмуш кўрдик. Ўша пайтларда оёқларимда оғриқлар сезардим-у, билдирмасдим. Баъзида туни билан оғриқнинг зўридан ухлай олмасдим. Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деганларидек... Бундан ташқари яна қанча шамоллашлар борлиги шифокорга борганимиздан кейин маълум бўлди. Кўраётган азобларим ўзимгагина аён.

Ҳозир укаларимнинг олдига кетаяпман, бироз бўлса-да ёрдам беришар, деган умиддаман.

— Ха, дардингиз оғир экан. Ҳечқиси йўқ, энг кераги кеч бўлса-да, хатоларингизни тушуниб етганингиз. Менинг синглим шаҳарда шифокор. Сизни у билан, албатта, таништириб қўяман. Асло сиқилманг, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, — деди аёл меҳр билан.

Ҳамсуҳбатининг қатъият билан айтган гапларидан қувват олган Малика қаддини ростлаб ўтирди. Бир маромада энгил чайқалиб бораётган автомашина чироқлари йўлни янада кучли ёритаётгандай бўлди.

Абдуғани ЮСУПОВ.

ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ

ФИЗИЗОН

Одамлар орасида юрсанг, кўп нарсани эшитсан. Фалончи фалон қипти, пистончи пистон бўпти... Хулоса чиқариш ўзингга ҳавола. Аммо ҳалол ризкини ошаб, меҳнати орқасидан турмуш тарзини яхшилаб яшаётганлар борлигига шукр, дейсан.

«Қимирлаган қир ошар», деганларидек, икки ўғли ёнига кириб, анчанинг ўзини тиклаб олган Гафурбойнинг қўлини Султон кирди-ю, ҳаловати йўқолди. У қўлининг бирдан "бой-й" кетганини ҳамон ҳазм қилмади, доғда эди.

— Ҳожи ака, шу денг, Гафур аканинг егани қуруқ нон эди, тавба, бирпасда бойиб кетганини қараган-а! Бир балоси бор буларнинг, бўлмаса томдан тараша тушгандек, ўзгариб қолармиди? Шу денг... Отасидан қолган тилломи, зарми, дурми...

— Кўйсанг-чи, ваҳиманг кўрсин! — қулди гузардаги чойхонада ўтирган Ҳожи ака.

— Кеча кирсан дастурхонни тўла ноз-неъмат, қазикарта, норин дейсизми... Кийиниши ҳам ўзгариб қолди, пайқаясизми, авваллари жўлдарба юрарди...

— Сира жулдираганини эслолмайман... Қачонгача одамларни кийинишига қараб баҳолайсан? Ким сенга Гафурни кўл учидан кўн қўради, деди.

— Ўзингизни билмаганга олманг, ака. Ё қизи ўқишга кетмай, а? Анови ёққа...

— Галинг курсин! Бировнинг гулдай қизига қора чапلامоқчимсан? Олдинг-да қизларинг бор-а? Сен физизонни сира тарбиялаб бўлмади-да.

— Сиз бир нарсани биласиз, ака, мендан яширариясиз, чунки у билан ошқатқилигингиз бор.

— Тонинг кетиб қопти, ука. Ўзингиз Қосимхон акага ўқитиб юбор!

— Қосимхон акани кўя туринг, бўлмаса нега бирдан бойиб кетади? Ҳамма қатори олган ерида ҳосил айтари бўлмаганини билман. Угилларини энди ишга кирди. Тавба...

— Эртдан кечгача тиним билмагандан кейин бойиди-да, сен галварсга дастурхон ёзиб, олдингга нозу неъмат қўйиб, балого қолдими шўрлик?

— Бунинг тагига етаман,

албатта. Мана кўрасиз, мени Султон-физизон дейишди, ака.

— Даф бўл, миямни қотириб ташладинг, ғаламис! Султон чойхонадан чиқди. Аммо миямни ҳамон қўлининг негга бирдан бойиб кетгани ҳақидаги ўйлар ғўжон урарди.

Ўша кечаси ғаламининг кўзига уйку келмади. Бунинг устига хотини ён қўлининг компютер олганлигини айтиб, дилини баттар хуфтон қилди. "Ўзи маошга зўрға яшаса, қандай қилиб компютер олиши мумкин? Ҳеч нарсасга тушуниб бўлмапти. Бу одамлар пулни ҳаводан яшаётганими ўзи? Болтавий етимча бўлса, қарсиллатиб иморат қуриб олди. Э-э, буруннинг одамлари бўлганида бормиди, у гадоивачанинг кетига тушиб, шунча маблагни қардан олганининг тагига етишарди, албатта. Қамаб ҳам юборишарди. Эсиэ..."

Ғаламининг ичи ёнди. "Назармининг ўли чети элда ўқибганимиз. Мишиқи бола эди, кўзидан кўзойнаги тушмасди. На унга қўшилиши, на бунга. Қачон қарасанг, қишлоқнинг чанг босган кутубхонасидан қимасди. Ё алҳазар! Муким этикдўзининг қизим алламбало мамлакатда ишлаётганимиз. Астафурролло, у ёқда нималар қилиб юрганини отасининг ўзи ҳам билмаса керак, ҳойнаҳой!"

Ғаламис ёқасини кўтариб, қўсига туғлаб қўйди. Нималар бўляпти ўзи? Бу атрофда битта у ҳалол нонини топиб ёб юрибди. Тўғри, айримларга ўхшаб қазикарта емасам, дастурхондан нони узилмади. Султон ўзи-ўзини шундай дея юпатмоқчи бўлди. Аммо юрагининг бир чети ёнар, бир Гафурбойниқидан кўрган таомлари, бир Маждининг компютери кўзига кўриниб кетаверарди...

Эрталаб чойхонага борди. Ҳожи ака чой дамлаётган экан.

— Ха, уқкига ўхшаб сарҳармдонда нима қилиб юрибсан?

— Ҳожи ака, ёрдамингиз керак, мана буни кечаси билан ўтириб ёзди. Айрим хатолари бўлса бордир, аммо бари ҳақиқат, ака. Шуларга кўл қўйиб юборинг, мен бугун туман марказига тушиб, ҳоким тўрага

ташлаб чиқмоқчиман. Яна нималарни ёздинг, кимларнинг устидан бўтхон ағдардинг? Ўтган сафар бечора фельдшеримиз Муроджоннинг устидан ариза ёзбасан. Қайтага тўхмат қилганинг учун ўзини шарманда бўлдинг. Бу сафар кимнинг оёғидан тортаяпсан, хумлар?

Султон қараса, Ҳожи аканинг авзойи бузук. Шипиллаганча, жўнаб қолди. Йўлма-йўл бораркан, яна бир қўлини Холниса бева ҳолига бир эмас, тўртта сипирли бўлиб олганини, бунинг шубҳали томони борлигини ёзиш ҳаёлидан кўтарилигандан афсусланди. У шу кетишда юмалоқ хатини ҳокимиятга элди. Аммо ҳоким муовини Султоннинг фикр-ғиж хато билан ёзган "қиссаси"ни ўқийлмади. Унинг ўзига ўқитиб, аранг илғайди ва аризагача нафрат билан қаради.

— Касби корингизни билсак бўладими, ака? — сўради Султондан.

— Шу денг... бир вақтда отдан йилиқиб, ногирон бўлиб қолганмиз, ака. Пенсас олиб турамыз. Болаларни боқишга амал-тақал етиб турибди. Ўзи пенсасга ҳали анча бор. Шу денг... Бировларга ўхшаб ҳаром лўкма емаймиз...

— Демак, бирор жойда ишламайсиз? Шу денг... менга қолса сизни қишлоққа қираверишга қорув қилиб қўярдим. Бугун қишлоққа ким келяпти, эртага ким... Хуллас, ўтганинг ўроғини, кетганинг кетмонини олиб турардингиз. Сизга ўхшаган физизонлар қанчадан қанча фидойи қишларнинг тагига сув қўйиб билан овора бўлишди. Аммо билишмайдик, ғаламислик қилиб, ҳеч нарсасга эришиб бўлмайди. Шу денг... сизга айтганимиз гапим тугади. Хайр, саломат бўлинг.

Султон ҳоким муовинининг хонасидан бўшаганча чиқди: "Бу касофат ҳам тағиди ҳам машинасини ҳаромхўрлик билан тоғлан. Бўлмаса, аризамни яхшилаб кўздан кечирган ва чора кўрган бўларди. Хали шомий тур, сеням устингдан ёзмамизми? Креслода ялпайиб ўтириб, менга ўхшаган фидойи инсонларни хафа қилишни кўрсатиб қўяман!"

Нигора ШОФАЙЗЕВА.

ЁШЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Жорий йилнинг октябр ойида Хитойда футбол бўйича ёшлар ўрта-сига бўлаётган Осиё чемпионатида пухта тайёргарлик кўраётган терма жамоамиз навбатдаги ўқув-машғулот йилининг Тошкент вилоятида ўтказмоқда.

Марат Кабаев бу галги машғулотларга 23 нафар футболчини жалб қилди. Жисмоний, техник, тактик ва руҳий тайёргарлик машғулотларида чиниқаётган ёш футболчилар миллий чемпионатимизнинг олий лигасида тўп сураётган "Олмалик" жамоасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси вакиллари дастлабки дақиқалардан ҳужумга зўр берди. Рақиб ҳужумини қайтариш чоғида олмаликчилар ўз жарима майдонасида ўйин қондасини бузди. Александр Лупашко ҳакам томонидан белгиланган пенальтини аниқ бажариб, ҳисобни очди.

Уйининг ик